

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

АҲОЛИНИ ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг нархини белгилаш бўйича очик-ошкора механизми жорий этиш, мамлакатимизда арзон ва сифатли препаратлар бўлишига қарамасдан ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори-дармон воситаларини тавсия этиш каби номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида:

1. 2017 йилнинг 1 январидан: четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинadиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотиш, уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланadиган чекланган савдо устама-лари қўлланилган ҳолда амалга оширилади;

1-иловада қайд этилган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотиш;

1-иловага мувофиқ рўйхатда қайд этилган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни

саклаш вазирлиги томонидан ҳар бир номдаги дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун белгиланadиган квоталар доирасида мамлакатимизда тегишли фаолият билан шуғулланиш лицензиясига эга бўлган улгуржи ва улгуржи-чакана компаниялар ўртасида тендер ўтказиш асосида амалга оширилиши белгилансин.

2. Даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли асосда назорат қилиш учун Республика комиссияси 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатимиз фармацевтика бозорининг, жумладан, республикамизда ишлаб чиқарилган асосий дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини тизимли таҳлил этиш ва шу асосда дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари турларини диверсификация қилиш ҳамда ички бозоримизни янада бойитишга доир тақлифлар ишлаб чиқиш, аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашга масъул давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш;

рўйхатга киритилган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун қайд этилган нархларни белгилаш ҳамда уларни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотадиган ташкилотларга етказишни ташкил этиш; рўйхатга киритилган дори-дармон

воситалари ва тиббиёт буюмлари нархларига риоя этилишини назорат қилиш тадбирларининг амалга оширилишини мониторинг қилиш;

қайд этилган нархлар белгиланadиган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган тақдирда қарорлар қабул қилиш;

мамлакатимиз фармацевтика саноатига етакчи хорижий компаниялар ва инвесторларни янада кенг жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

вазирлик ва идоралар, улгуржи савдо ташкилотлари раҳбарларининг дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш масаласи, шунингдек, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг, жумладан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжини қондиришга оид амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам эшитиш.

3. Тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашнинг назорат қилиш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ;

дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари нархини тартибга солиш тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига рўйхатга киритилган импорт дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини харид қилиш учун тендер савдолари ўтказиш вазифаси юклансин.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг жаҳон нархлари конъюнктурасини таҳлил қилиш асосида Республика комиссиясига ҳар чоракда рўйхатда кўзда тутилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун йўл қўйилиши мумкин бўлган чекланган шартнома қиймати-ни белгилашга доир тақлифлар киритсин, қиймати ушбу кўрсаткичдан юқори бўлган тендер тақлифлари қўриб чиқилмайдиган;

Соғлиқни саклаш вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда 2016 йил 1 декабрда рўйхатга киритилган импорт дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини харид қилиш учун тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, давлат соғлиқни саклаш тизимидаги барча тиббиёт муассасалари рўйхатда кўзда тутилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини ўрнатилган тартибда Республика комиссияси томонидан белгиланган улгуржи нархлардан ошмайдиган нархда сотиб олади.

Давоми 2-бетда. ➡

Сайлов – 2016

ХУДУДИЙ СЕМИНАРЛАР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИ

2016 йилнинг 1 ноябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида жойларда участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ҳудудий семинар-тренингларни ташкил этиш масаласига бағишланган экспертлар гуруҳларининг ййгилиши ўтказилди.

Видеоконференц алоқа шаклида ўтказилган тадбирда Марказий, округ сайлов комиссиялари аъзолари, депутатлари, олимлар, мутахассислар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов Президент сайловини ўтказишда, участка сайлов комиссияларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 13 октябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилишга қаратилган тадбирлар режаси қабул қилинди. 20 октябрь кuni республика семинар-тренинги ўтказилди.

Жорий йилнинг 1-10 ноябрь кунлари мамлакатимиз барча ҳудудларида Марказий ҳамда округ сайлов комиссиялари, шунингдек, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш

қилиш мустақил институти томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада юксалтириш, сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича кўникмасини мустаҳкамлашга қаратилган семинар-тренинглар ташкил этиш белгиланган.

Ўтказиладиган тадбирлардан мақсад сайлов участкаларини жойлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш ва унга ўзгартишлар киритиш, муддатидан олдин овоз бериш ҳамда сайлов кuni овоз беришни ташкил қилиш, кузатувчилар институтининг аҳамияти, оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёни ошқоралигини таъминлашдаги роли сингари йўналишларда сайлов комиссиялари аъзоларининг билим ва малакасини янада оширишдир.

Ййгилишда участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ҳудудий семинар-тренингларни уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Б. БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири.

Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида вилоят хотин-қизлар кўмитаси "Хотин қизларнинг сайловлардаги иштироки" мавзусида семинар ташкил этди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими, хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотлари вакиллари ҳамда

ОАВ ходимлари иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, вилоятимиз хотин-қизлари барча соҳалар сингари сиёсий-ҳуқуқий жабҳада ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, бугунги кунда вилоятда 51 мингдан ортиқ хотин-қиз партиялар сафида фаолият юритмоқда.

Давоми 3-бетда. ➡

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳиятини кенг аҳолига етказиш мақсадида ташкил этилган мулоқотда Адлия вазирлиги масъуллари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва эркинлаштиришга, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга хизмат қилмоқда. Бироқ, мамлакатнинг ривожлантиришининг замонавий талаблари ва стратегик устувор вазифалари суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш боришини тақозо этади.

Давоми 3-бетда. ➡

САНОАТ САЛОҲИЯТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ



Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да Х Ҳалқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг етакчи саноат корхоналари қурилиш, текстиль, машинасозлик, электротехника, металлургия, кимё, нефть-газ, озиқ-овқат ва фармацевтика соҳасига доир 24 мингдан ортиқ тайёр маҳсулот, бутловчи буюм ва материалларни намойиш қилди.

Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши ҳўжалик юритувчи субъектларга ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, юртимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳақида хорижий компанияларга кенгрок маълумот беришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Давоми 2-бетда. ➡

ЮКСАК БИЛИМЛИ КАДРЛАР тинч ва фаровон ҳаёт, ёрқин келажак кафолати

Тошкент Давлат юридик университетида Адлия вазирлигининг навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди. "Юридик кадрлар тайёрлаш тизими: кеча ва бугун" мавзусидаги мулоқотда вазирлик ва университет масъул ходимлари, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Семинар

Анжуманда таъкидланганидек, суд-ҳуқуқ тизимида олиб бориладиган ислохотлар юқори билимли, малакали, кенг дунёқарашга эга кадрлар тайёрлашни тақозо этмоқда. Айнан шу маънода Ўзбекистон Республикаси Биринчи

Президентининг "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мамлакатни ҳуқуқий жўхатдан модернизация қилишга қаратилган саяёҳаракатларни янги босқичга

кўтарди. Ушбу Қарорнинг мазмун-моҳияти юридик таълим ислохотлари бўйича яратилган мавжуд тизимни республикада ўтказиладиган демократик ва ҳуқуқий янгилаштиришлар, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг юксак талабларига мослаш ҳамда замонавий, халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган.

Бугунги кунда юридик университетида ўқув жараёни дун-

ёнинг кўпгина мамлакатларида амалда бўлган ва ўзининг қўлайлиги ҳамда самарадорлиги билан тан олинган ўқитишнинг модуль тизимига асосланган. Мазкур тизимда ўқув жараёнининг асосий мазмунини, талабаларда мустақил таълим олиш қобилиятини ривожлантириш, уларнинг ўз соҳа йўналишларига қизиқишларидан келиб чиқиб, ўқув фанларини танлаш имкониятини бериш ва мустақил таълим олишни таъминлаш учун тўлақонли ўқув адабиётларини яратишни назарда тутди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Тошкент Давлат юридик университети ташкил этилган вақтдан буён ўқитишнинг замонавий стандартларини жорий этиш, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил қилиш, маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштириш, шунингдек, университетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Адҳам ИСРОИЛОВ.

2017 йил

учун
«Тошкент
ҳақиқати»
ва
«Ташкентская
правда»
газеталарига
обуна бўлишни
унутманг!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИАҲОЛИНИ ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН
ТАЪМИНЛАШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

энг илғор халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда асосий касалликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва клиник протоколлар стандартларини қайта қўриб чиқиш жадвалини икки ҳафта муддатда тасдиқласин, бунда уч ой муддатда ташхис қўйиш, даволаш ва клиник протоколларнинг янгиланган стандартлари тасдиқланишини, шунингдек, зарур ҳолларда амалдаги ташхис қўйиш, даволаш ҳамда клиник протоколларни қайта қўриб чиқишни назарда тутсин;

тасдиқланган ташхис қўйиш, даволаш стандартлари ва клиник протоколларга мувофиқ ҳар йили Республика комиссиясига рўйхатни ўзгартириш бўйича, биринчи навбатда, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларининг кўпайишига қараб улардан фойдаланишни кўзда тутадиган таклифлар киритсин;

ташхис қўйиш, даволаш ва клиник протоколларнинг янгиланган стандартларини барча тиббиёт муассасаларига, жумладан, фойдаланиш учун очик бўлган ахборот

тизимлари орқали ўз вақтида етказишни таъминласин ҳамда уларга rioя этилишини қатъий назорат қилсин;

бир ой муддатда энг муҳим дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг барча дорихоналар учун мажбурий янгиланган минимал рўйхати, шунингдек, шифокор рецептсиз бериладиган дори-дармон воситалари рўйхатини тасдиқласин, унга зарурат туғилганда белгиланган тартибда ҳар йили ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин;

юридик шахслар томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш тартиби қўпол бузилганлиги учун лицензияни бекор қилиш шартлари, шунингдек, минимал рўйхат бўйича мажбурий талабларни назарда тутган ҳолда, бир ой муддатда Фармацевтика фаолияти тўғрисидаги лицензия шартномасига қўшимчалар киритсин;

шифокорларнинг дори-дармон воситаларини тасвир этиш ва дорихоналарда дори-дармон воситаларини бериш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун

киритсин ва унда белгиланган тартиб бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини назарда тутсин;

ўз расмий веб-сайти, шунингдек, дорихоналар расмий веб-сайтларида рўйхатга киритилган барча дори-дармон воситалари бўйича белгиланган нархлар тўғрисида мунтазам янгиланадиган ахборот эълон қилинишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари зиммасига дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар уларнинг нархини давлат томонидан белгиланган тартибга rioя этилишини тизимли асосда назорат қилиш вазифаси юклансин.

8. "Ўзфармсанот" акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги "2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги

ПҚ-2595-сонли Қарорига мувофиқ рўйхатда кўзда тутилган импорт ўрнини босадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш билан республика эҳтиёжини максимал даражада қоплаш бўйича муҳим чораларни кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Иқтисодиёт вазирлиги йиллик, чораклик моддий ва қиймат балансини шакллантиришда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Ўзфармсанот" акциядорлик компанияси томонидан асосланган тайёр дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини, шунингдек, уларни мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқариш учун хом ашёни четдан олиб келишга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги "Дори-дармон воситалари ва тиббиёт

буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида"ги 19- ва 2000 йил 5 августдаги "Ички бозорни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 307-сонли қарорлари 2017 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов ва Бош вазир ўринбосари А. Икромов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 31 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига
ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбарияти фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳоли ва даволаш муассасаларини сифатли, самараси юқори ва хавфсиз дори-дармон воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистонда ташкил этилган фармацевтика саноати муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда ва жадал ривожланимоқда. Хусусан, мамлакатимиздаги 132 фармацевтика корхонаси томонидан 2 минг турдан ортиқ дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларидан фойдаланиш бўйича халқаро нормалар ва ривожланган давлатлар қонунчилигига мослаштирилган қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Халқаро сифат стандартларининг жорий этилиши самарасида мамлакатимиз фармацевтика корхоналарининг экспорт салоҳияти ошди. Шунини таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган айрим дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари дунёнинг 20 дан ортиқ давлати, жумладан, МДХ, Европа иттифоқи мамлакатлари ва АҚШга экспорт қилинмоқда.

2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш бўйича тасдиқ-

ланган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ янги фармацевтика корхоналарини ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилишга доир умумий қиймати 223,9 миллион АҚШ долларига тенг 67 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Бу аҳоли ва тиббиёт муассасаларида эҳтиёж юқори бўлган импорт ўрнини босадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришни 2,5 баробар ошириш имконини беради.

Ўзбекистонда дорихона муассасалари тармоғи кенг ривожланган. Айни пайтда мамлакатимиз ҳудудида 8472 хусусий дорихона ва уларнинг филиаллари, шунингдек, "Дори-дармон" акциядорлик компанияси тизимига кирувчи 1437 дорихона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 70 ва 114 таси олис қишлоқлар аҳолисини дори-дармонлар билан таъминлаш учун мўлжалланган ижтимоий ва сайёр дорихоналардир.

Шу билан бирга, соҳанинг бугунги ҳолати таҳлил қилиниши натижасида зудлик билан ҳал этишни талаб қиладиган айрим муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Авваламбор, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан тўлиқ таъминлаш учун республика фармацевтика саноатини янада самарали ривожлантириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш зарур.

Маҳаллий хом ашё, жумладан, доривор ўтлар асосида дори-дармон воситалари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобидан фармацевтика маҳсулотларини маҳал-

лийлаштиришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, шунингдек, уларни тиббиёт амалиётига жорий қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Фармацевтика корхоналарининг дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш учун хорижий хом ашё ҳамда материалларга боғлиқлик даражаси юқориликча қолаётгани бу борадаги жиддий муаммодир. Мамлакатимиз корхоналарида айрим фармацевтика препаратларни гуруҳлардаги дори-дармон воситалари, яъни онкологик, эндокринологик, махсус препаратлар ва психотроп воситалар ишлаб чиқарилмайди.

Дорихона муассасалари тармоғини янада оптималлаштириш масаласини ҳал этиш зарур. Дори-дармон воситалари нархларининг асосийи оширилаётгани, шунингдек, бир хил дори воситаларининг нархларида катта фарқ борлиги кузатишмоқда. Бу дорихоналарда дори-дармон воситаларига нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш ва улар фаолияти устидан назоратни кучайтиришга доир шошилинч чоралар кўриш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига 2017 йилнинг 1 январидан четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотиш, уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгур-

жи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланадиган чекланган савдо устамалари қўлланилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, тиббиётда кенг қўлланиладиган 167 номдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва 22 турдаги тиббиёт буюмлари учун муайян нархлар белгиланмоқда. Бу нархлар даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли асосда назорат қилиш бўйича ташкил этиладиган Республика комиссияси томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун жаҳон нархлари конъюнктурасини таҳлил қилиш асосида ўрнатилган тартибда ҳар чоракда белгиланади.

Мазкур комиссия зиммасига, шунингдек:

мамлакатимиз фармацевтика бозорининг, жумладан, республикада ишлаб чиқарилаётган асосий дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини тизимли равишда таҳлил этиш ва ўтказилган таҳлил асосида дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари турларини диверсификация қилиш, мамлакатимиз бозорини етарли даражада тўлдиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш, аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашга масъул давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш;

нархларини белгилаш бўйича алоҳида тартиб ўрнатиладиган дори-дармон воситалари ва тиб-

биёт буюмлари рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилган тақдирда қарорлар қабул қилиш; рўйхатга киритилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари нархларига rioя этилишини назорат қилиш тадбирларининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва бошқа муҳим вазифалар юклатилган.

Оқорида кўрсатилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган квоталар бўйича мамлакатимизда тегишли фаолият билан шуғулланиш лицензиясига эга улгуржи ва улгуржи-чакана компаниялар ўртасида тендер ўтказиш асосида четдан харид қилинади. Бундай тендерларни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланадиган ташкилотлар томонидан нархларни давлат томонидан белгиланган тартибга rioя этилишини бево-сита назорат қилади.

Мазкур қарорда дори-дармон воситаларини тўғри тасвир этиш, ташхис қўйиш, даволаш ҳамда клиник протоколлар стандартларини барча тиббиёт муассасаларига, жумладан, фойдаланиш учун

очик бўлган ахборот тизимлари орқали етказиш, уларга rioя этилишини қатъий назорат қилиш мақсадида халқаро амалиётга мувофиқ асосий касалликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва клиник протоколлар стандартларини такомиллаштиришга доир вазифалар белгиланган.

Қарорда энг муҳим дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг барча дорихоналар учун мажбурий янгиланган минимал рўйхати, шифокор рецептсиз бериладиган дори-дармон воситалари рўйхатини тасдиқлаш; юридик шахслар томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш тартиби қўпол бузилганлиги учун лицензияни бекор қилиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган ушбу қарорининг ҳаётга татбиқ этилиши ички бозорни арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан янада тўлиқ таъминлаш, нарх белгилаш бўйича очик-ошкора механизмни жорий этиш, мамлакатимизда арзон ва сифатли препаратлар бўлишига қарамасдан, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори воситаларини тасвир этиш бўйича номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолларга йўл қўймаслик имконини беради.

Мазкур барча чора-тадбирлар, биринчи навбатда, аҳолини сифатли ва арзон дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга, аҳолининг саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

САНОАТ САЛОҲИЯТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ



2007 йилдан буён ўтказиб келинаётган анжуманда ўтган йиллар давомида иштирокчилар сони 7 баробарга, шартномалар ҳажми 11 баробарга ўсгани унинг нуфузи ва имкониятлари кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самараси ўларок, биз бугун фаолиятимизни изчил кенгайтириб бораёямиз, — дейди Бе-

қобод туманидаги "Навбахор адирлари" фермер ҳўжалиги раҳбари Адҳам Рўзибеков. — Бугунги ярмаркада замонавий тракторни харид қилиш учун йиллик 4,5 фоизли устама билан ўн йилга шартнома туздик. Бу каби тадбирлар биз, фермерлар учун ҳам фойдали бўлаётди.

Саноат ярмаркасида вилоятимиздаги "Ўзметкомбинат", "Олмалик кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятлари билан бир қаторда харидор-



Азизат АХМЕДОВ олган суратлар.

гир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга миялланган катта-кичик саноат тузилмалари фаол иштирок этди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур саноат ярмаркаси вилояти-

мизнинг юксак ишлаб чиқариш салоҳиятини намоиш этиш ва экспорт имкониятларини кенгайтиришда яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўз муҳбиримиз.

Тадбир

Бўстонлик хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежиди "Ким эдигу ким бўлди, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

УЛКАН МАРРАЛАР ЧОРЛАЙДИ

Маънавият тарғибот маркази ҳамда ҳудуддаги ҳарбий қисм ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда жамоатчилик вакиллари, ҳарбийлар ва маҳаллий ёшлар иштирок этди.

Унда Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг "Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир!" номли китобининг мазмун-моҳияти, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг аҳамияти, шунингдек, мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ишлар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари тизимидаги ислохотлар, миллий армиямизнинг салоҳияти хусусида сўз борди.

Бундай тадбирлар ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, навқирон авлоднинг онги ва қалбини турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Ю. ФАЗЛИЕВА.

ТИФИНИ МЕҲРДАН ЧАРХЛАГАН ЖАРРОҲ

Ҳаёт тасодифларга тўла. Эртанги кун бизга нималарни тўхфа этиши-ю, қандай синовларга рўбарў қилишини билмаймиз. Ўрта чирчиқлик Собиржон Зуфаров ҳам эл-юрт хизматида тиним билмай, елиб-югурар экан, оёқ остида чикқан фалокатни сезмай қолди. Бунда гоҳ ўзини, гоҳ орқа-олдига қарамай, автоуловни шамолдек елдирадиган ҳовлиқма ҳайдовчини айблайди. Нима бўлганда ҳам "ўзингга эҳтиёт бўл..." деган ибора тили учида айланаверади.

□ Саломат бўлинг

Мана энди "ғарибингман" деб, шифохонанинг оппоқ шифтига тикилиб ётибди! Лекин, қўли дард кўрмагур шифокорларнинг беминнат хизматлари туфайли яна ҳаётга қайтди, ширин жони омон қолди. Энди туман тиббиёт бирлашмаси жарроҳлик бўлими шифокори Маҳаматқул Ҳожиназаровни кўрганда ҳаяжонга тушади. Бу бежиз эмас.

Травматолог М. Ҳожи-назаров салкам қирқ йиллик иш фаолияти даво-

мида қанча-қанча хаста вужуднинг дардига малҳам бўлди, оёққа туриб, ҳаётга қайтишига ёрдам

берди. Тўғри, эгнига оқ халат кийган шифокор борки, беморлар дардини олсам, дуоларидан



ОДАМЛАР, СИЗ МЕНИНГ ҲАЁТИМ...

Ёшим 77 да. Ҳар кунни Ўзбекистондек тинч ва осойишта мамлакатда, меҳр-оқибатли, саховатда беназир одамлар орасида яшайётганимга шукроналар айтаман.

□ Изҳор

Кексаларнинг иззат-ҳурмати-ни жойига қўядиган бундай бағрикенг одамлар яна қайси юрда бор? Маҳаллада, тўй-ҳашамларда давра тўридаман. Кўчада, автобусда юкимни қўлимдан олишади, "Келинг, бувижон, ўтиринг" дейишади. Шундай муносабатдан кейин тилингизга шукронадан бошқа яна қандай сўз келиши мумкин?

Бу йил тақдир мени яна бир синовдан ўтказди. Агар атрофимда шундай меҳрибон одамлар бўлмаганида... Гап шундаки, кутилмаганда ўпка саратонига чалиндим ва тузалиб кетишдан умидимни бутунлай узган эдим. Аммо, вилоят ўсма касалликлари диспансерида менга меҳр кўрсатишди. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдулла Абдуҳақимов бошчилигидаги шифокорлар мураккаб жарроҳлик амалиёти-ни ўтказиб, мени ҳаётга қайтардилар.

Юртимиз 100 ва ундан ошган кексалар яшайётган мамлакатлар орасида етакчи ўринларда эканини яхши биламан. Мен ҳам ана шу сафга қўшилишни ният қилдим. Яшаган сари, яшагим келяпти. Қувончимга сизларни ҳам шерик қилиш учун газетага мактуб ёздим. Мени дарддан халос қилган, шу дақиқаларда ҳам кимнингдир ҳаётини сақлаб қолиш учун курашаётган шифокорларга қўлим кўсимда, миннатдорчилик изҳор этаман.

Любовь МИХАЙЛОВА,
Ғазалкент шахри.

ОБ-ХАВО МАЪРАҲОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 2 ноябрь кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-12, кундузи 25-27 даража илқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 15-20 даража илқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли худудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 15-20 даража илқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ностика, шошилиш тез тиббий ёрдам, туғруқ, жонлантириш, жарроҳлик, травматология, қон қуйиш, ички дорихона бўлимларида беморларга малакали шифокорлар, ҳамширалар хизмат кўрсатмоқда. Хусусан, бирлашмаимизнинг режали жарроҳлик бўлимидаги уч шифокор, 18 ҳамшира ва кичик ҳамшираларнинг ўз бурчида масъулият билан ёндашишлари туфайли йил бошидан шу кунгача 563 бемор даволаниб, соғликлари тиклашди.

Одатда, чанқаб турган одамга бир қултум сув тутишини ўзи айна савоб, дейишади. Ниятимиз – савоб ишининг этагидан маҳкам тутган либоси, кўнгли, йўли оппоқ, инсофли, диёнатли шифокорлар бор бўлсин!

Сайёра ЭШМАТОВА.
Даврон АХМАД
олган сурат.

□ Имконият

Мамлакатимизда истиқлол йилларида барча соҳа ва тармоқлар қаторида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларининг улкан ютуқ ва натижаларга эришишига замин яратди. Мазкур жараёнда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган солиқ имтиёзлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

ТЕЖАЛГАНИ — КИНИ ФОЙДА

Ўз навбатида, бу имконият хусусий секторнинг тобора фаоллашуви, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришга имкон бермоқда.

Бугунги кунда вилоятимизда 27 мингта яқин тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Эътиборли томони шундаки, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришда хусусий секторнинг улуши тобора ортиб, ўтган йил якуна-ларига кўра 61,7 фоизга етди.

Бу йўналишдаги ишлар изчил-

лик билан давом эттирилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги 2 минг 259 корхонага 183 миллиард 626 миллион сўмликдан ортиқ имтиёзлар татбиқ этилгани бунинг тасдиғидир.

Мавжуд имтиёз ва қўлайликлар самарасида, вилоятда янги ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилиб, саноат тармоқларини техник ва технологик янгилаш, модернизация қилиш орқали сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми ортаётди.

Хусусан, Зангиота туманидаги

"Marwin Brands" масъулияти чекланган жамиятига модернизация лойиҳаси шарофати билан 21 571,0 млн. сўмлик янги технологик жиҳозлар келтирилган корхона-нинг экспорт салоҳияти кенгайди. Солиқ тизимида яратилган имтиёзларнинг ўзи ўтган йили корхона-нинг 262 млн. 673 минг сўмдан ортиқ маблағини тежаш имкони-ни берди. Корхонада фаолият юритаётган 177 нафар ишчи томонидан жорий йилнинг 1-ярми-да 41 млрд. 260 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу билан бирга, солиқ имтиёзлари туфайли 515 миллион 756 минг сўм маблағ тежаб қолинди.

Ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш ва уларга янги-янги имкониятлар бериш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юртимизда тадбиркорлик соҳасининг барқарор ўсиши учун мустаҳкам пойдевор яратилганини англатади.

Лобар АЗАМАНОВА,
вилоят давлат солиқ
бўшқармаси ахборот
хизмати бош мутахассиси.

ТАДБИРКОРЛИК ҲИМОЯСИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити туфайли жойларда аҳолини иш билан таъминлаш вазифаси ижобий ҳал этилаётти, қолаверса, ички бозорларимиз импорт ўрнини босадиган хилма-хил маҳсулотлар билан тўлиб, юртимиз экспорт салоҳияти юксалаётти. Бу шубҳасиз, мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қўлай ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш борасидаги кенг қўламли саъй-ҳаракатларнинг самарасидир.

□ Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 октябрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони тадбиркор ва ишбилармонлар манфа-

атларининг ишончли ҳимояси бўлиши билан бирга назорат қилувчи идоралар зиммасига катта масъулият юклатмоқда. Фармонда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашиларнинг ҳар қандай шаклига батамом чек қўйишнинг ишончли кафолат-лари таъминланган. Бу борада давлат назоратининг батамом янги, жиддий таъминлари белги-

Айни пайтда "Ўздав-неф்த்தазназорат" инспекцияси ва унинг жойлар-

даги ҳудудий бўлимлари ўз фаолиятларини ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятини чуқур англаган ҳолда ташкил этиш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни кўрмоқдалар. Жойларда турли тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар ташкиллаштирилиб, Фармонга асосан амалиётга жорий этилаётган муҳим ўзгаришлардан тадбиркорларни тўлақонли хабардор қилиш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилиб, айрим муаммолар ечимни бўйича амалий кўмак кўрсатила-япти.

Жамол САЛИМОВ,
"Ўздавнеф்த்தазназорат"
вилоят ҳудудий бўлими
бош технологи.

Реклама ва эълонлар

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларидаги I. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани СИБ томонидан: 2014 йил 1 октябрдаги 1-487/2014-сонли ижро варақасига асосан: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, А. Ортиқов ҚФЙ, 8/153-сонли уй манзилида жойлашган, умумий майдони 79,43 кв.м. бўлган "дала ховли" тақоран қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 23 546 351 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 21 ноябрь кун соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

II. Оққўрғон тумани СИБ томонидан: Тошкент вилояти Жиноят ишлари бўйича Оққўрғон тумани судининг 2016 йил 3 февралдаги ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида жойлашган, "ғишт ишлаб чиқариш цехи" қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 59 492 000 сўм. III. Бекобод тумани СИБ томонидан: 1201/02-сонли ижро ишига асосан, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Далварзин ф/у 1-бўлимида жойлашган, 1. умумий майдони 0,25 Га., фойдаланилмаётган АЁҚШ бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси - 56 135 462 сўм. 2. "Далварзин савдо плюс" х/к.га тегишли қурилиш ости ер майдони 247,05 кв.м.ли фойдаланилмаётган АЁҚШ бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси - 93 924 170 сўм. IV. Бекобод шахар СИБ томонидан: Жиноят ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ тумани судининг 22.10.2013 йилдаги 1-244-2014-сонли ижро варақасига асосан: 1. Тошкент вилояти, Бекобод шахри, 80-даха, 22-уйда жойлашган, умумий майдони 30,86 кв.м., яшаш хонаси 19,26 кв.м., махсус хона 11,60 кв.м.дан иборат 27-хонадон, бошланғич баҳоси - 26 979 477 сўм; 2. Тошкент вилояти, Бекобод шахри, 80-даха, 23-уйда жойлашган, умумий майдони, 70,80 кв.м., яшаш хонаси 39,87 кв.м., махсус хона 30,93 кв.м.дан иборат 2-хонадон, бошланғич баҳоси - 56 472 513 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 6 декабрь кун соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 21 ноябрь кун соат 16.00 гача; 6 декабрь кун соат 16.00 гача) таътиллади. Савдога қўйилган кўмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилиги бўлимининг вақиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шахри, Яксарой тумани, М. Таробий қўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия RR-0148.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти "Тошкент вилояти ҳудудида шахар ва шахар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссия"нинг 2016 йил 31 октябрдаги 38-сонли Баённомаси қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасига асосан,

"TILLA TOSH TRANS" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шахар атрофида микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли, 001042 рақамли, шунингдек, "VISATA GROUP" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шахар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли, 000568 рақамли лицензияларнинг амал қилиш мuddати 2016 йил 31 октябрдан тугатилади.

"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Зангиота тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан, ФИБ Зангиота туманларaro судининг 25.11.2015 йилдаги 1-7180/15-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани суд ижрочилиги бўлимида сақланган, "ГБА СПГ ММЗ 45021" русумли, давлат рақами 10/694 КАА бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 25 080 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 6 декабрь кун соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 2 декабрь соат 18.00 гача. Автотранспорт воситаси билан суд ижрочилиги бўлими вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат қилишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "RMM" АЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Савбон филиалидаги х/р:

20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вақиллар учун ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларини келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этишлари керак.

Аризаларни қабул қилиш ва савдони ўтказиш манзили: Тошкент шахри, Олмазор тумани, Қорақамчи-1 қўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz. Гўвоҳнома № 001580.

О'zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши партиянинг Паркент тумани кенгаши раиси Тўйчибой Дўсмаевга падари бузруквори

ИСМОИЛ
отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛ

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг тенг ярми аёллар эканини ҳам эътироф этиш лозим.

– Айни кунларда мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим сиёсий жараён, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик қизгин паллага кирди,

10-Тошкент вилояти сайлов округи ҳудудида-

– дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими етакчи мутахассиси Маъмура Исмоилова. – Вилоят сайлов округи ҳудудида тузилган сайлов участкалари комиссиялари аъзоларининг 50,6 фоизи аёллар экани ҳам мамлакатимизда сайловларнинг тенг ҳуқуқлилик асосида ўтатилишини билдиради.

10-Тошкент вилояти сайлов округи ҳудудида-

ги сайлов участкаларида рўйхатга олинган 1 млн. 943 минг 289 аҳолининг 985 минг 30 нафари аёллардир. Уларнинг 45 минг 355 нафари ёшлар бўлиб, 22 минг 901 нафари биринчи маротаба сайловда иштирок этаётган қизлардир.

Йиғилишда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мазкур Фармон эса соҳани сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган судьялар мустақиллиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахслар муносабатларини кўриб чиқиш тартибининг бузилишига йўл қўймаслик, фаолиятнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ ҳамда

аҳоли билан ҳамкорлик самарадорлигини ошириш каби вазифалар белгиланди.

– Ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуришнинг энг муҳим шартларидан бири – суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашдир, – дейди Юристар малакасини ошириш маркази катта муҳрири Бобоқул Тошев. – Янги Фармон ҳалқаро стандартлар ва ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибасига тўлиқ мос келади. Шунингдек, мазкур Фармон ижроси доирасида 2017 йилнинг 1 апрелидан бир қатор кодекс ва қонун

ҳужжатларига инсон ҳуқуқ ва эркинликларни устуворлигини таъминлаш, одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгаришлар киритилиши режалаштирилган.

Тадбир сўнгига қайд этилган асосий вазифалар ва янги нормаларни ҳаётга татбиқ этиш учун Фармон билан суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш борасида 8 та энг устувор соҳалар бўйича 45 та аниқ тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

КИТОБ – ҲАЗИНАЛАР КАЛИТИ

Паркент туманидаги 3-умумтаълим мактабиде "Китобим ва мен" мавзусида адабий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

Туман халқ таълими, "Маҳалла" хайрия жамоати фонди бўлими томонидан "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги доирасида ташкил этилган тадбирда Паркентдаги кутубхоналар фаолияти ва бугунги китобхонлиқ борасидаги фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

– Ўқувчиларга ҳазина-

лар калити саналган китобни қадрлаш, уни эъзозлашни ўргатиш бугуннинг энг долзарб вазифаларидан бири, – дейди мактаб ахборот-ресурс маркази раҳбари Маъмура Аҳмедова. – Шуни эътиборга олган ҳолда, ўқувчилар ўртасида қизиқarli тадбирлар, викториналар, турли соҳа ва киллари иштирокида дав-

ра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Мақсадимиз – ёш авлод маънавиятини юксалтириш, ҳаётда муносиб ўрин топишга кўмаклаш.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Адабий-бадий кеча туман Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури билан якунланди.

Дилфуза МИРОБИДОВА.

Санъат

Маданият, санъат ва адабиёт воситасида халқларнинг маънавий бисоти бойий-да, дўстлик ришталари мустаҳкамланади. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган "Олтин куз" халқаро санъат фестивали ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Фестиваль 28 октябрдан 3 декабргача Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтади.

Илк бор ўтказилаётган ушбу санъат форуми Ўзбекистон ва жаҳон санъатини ўзаро уйғунлаштирган. Мамлакатимиз ижодкорларининг чиқишлари халқимизнинг миллий мусиқа ва театр санъати ривожини кенг тарғиб қилса, чет эллик санъат усталари юртдошларимизни жаҳон классик куйлари ва оркестр ижрочилиги намуналаридан баҳраманд этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ўринбосари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори Ф. Жўраев ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларнинг дунёқараши ва дидини тўғри шаклланти-

риш мақсадида мусикий тарбияга алоҳида эътибор қаратилгани, бу борада барча имкониятлар яратилганини таъкидлади. Шаҳар ва туманларда, ҳатто чекка қишлоқларда ҳам болалар мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилди. Ихтисослашган

колледж ва лицейлар, санъат саройлари, Ўзбекистон Давлат консерваториясида ёшлар ўз билим ва маҳоратини ошироқда. "Ягонасан, муқаддас Ватан!", "Нихол", "Юрт келажиги", "Камалак" юлдузлари каби кўрик-танловлар истеъдодли ёшларни кашф этиш ва уларни қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

"Олтин куз" халқаро санъат фестивали Ўзбекистон Давлат консерваториясида таниқли фортепиано, Я. Витола номидagi Латвия мусиқа ака-

демиясининг кафедра муdiri, профессор Юрис Калнциемснинг маҳорат дarsi билан бошланди.

Ўзбек халқининг маданияти, санъатга иштиёқи мени ҳайратда қолдирди, — дейди Юрис Калнциемс. — Халқингизнинг меҳмондўстлиги, самимиёти ва санъатсеварлигидан ижодкор сифатида руҳландим. Ёш истеъдодларнинг бошқа мамлакат саҳнасида имкониятларини намойён этиши, ўзаро тажриба алмашиши ҳар икки давлат санъати ривожига ижобий таъсир

этади, деб ҳисоблайман. Бу хайрли тадбир анъана тусини олишини истайман.

Дастур давомидa Швейцария, Франция, Латвиядан келган ёш истеъдодли солистлар Илва Вера Эйгус, Аврора Гехтер, Карлис Буковскис ҳамда ўзбек дирижёри Алибек Кабдурахмонов иштирокида симфоник оркестр концерти бўлиб ўтди.

Фестиваль дастури кенг қамровли. Хусусан, россиялик Владимир Горбик (дирижёр), Владимир Свердлов-Ашкенази (фортепиано), Игорь Калнин (скрипка), исроиллик Юрий Гандельсман, АҚШлик Сеннет Рошелль (фортепиано) каби машҳур санъаткорлар иштирокида маҳорат дарслари, юртимиз ижодкорлари билан биргаликда концертлар ўтказиш режалаштирилган.

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон миллий симфоник оркестри билан ҳамкорликда ўтказиладиган италиялик машҳур хонанда Тото Кутуньо, таниқли

итальян опера солисти Алессандро Сафинанинг концерти кўпчилиқда қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси ва фольклор-этнографик жамоалар томонидан ҳам қатор тадбирлар ташкил этилади. Дуторчилар ансамбли ва "Маком" ансамбли "Туркистон" саройида, фольклор-этнографик жамоалар виллоят марказларида концерт беради.

Ўзбек Миллий академик драма театри, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри, Ўзбекистон академик рус драма театри, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали театри ва Ўзбекистон ёшлар театри Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ижодий сафар қилади.

"Олтин куз" халқаро фестивали санъат муҳлислари ва мутахассисларига унутилмас лаҳзалар ҳаёда этади, деб ўйлаймиз.

Савара АЛИЖОНОВА,
Ў.А. мухбири.

Таквим

Ўртоқлари билан ўйнаб, кўчадан чарчаб келган невара қараса, бува си тоқ кесаяпти. — Буважон, нима қила-яписиз? — деб сўради қизикчи. — Кўрмайсанми, тоқ кесаяпман. — Дам олиш кунни адам кесардилар, чарчаб қола-сиз-ку. Неварасининг ғамжўр-лигидан чол мийиғида кулиб қўйди.

дузи ҳаво илиқ бўлсада, кечалари совуқ тушиб, тупроқнинг устки қатлами музлаши мумкин. Аммо, кексаларимиз ақрабда бирданига чақмоқ чақиб, момақалдиқор гўмбурла-са, қиш қаттиқ келмайди, дейишади.

— Буважон, ҳали тоқ кесишга эрта эмасми? — Айни вақти, болам, кесиби, тезроқ кўммасак, новда ва куртакларни совуқ уриши мумкин.

САРАТОННИНГ БУҒДОЙИ
АҚРАБДА МАЙСАЛАЙДИ

— Адангнинг ҳам ўзига яраша юмушлари бор, ана томорқани чопиши керак, — деди бобо неварасининг елкасига қоқаркан. — Халқимизда "Ёр ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда", деган нақл бор. 24 октябрдан 22 ноябргача давом

этадиган ақраб ойи ҳаммани шоширади. Чунки бу даврда, айниқса, ойнинг сўнгги ўн кунинда қуруқ изғирин ва, ҳатто, қор ёғиш ҳоллари ҳам бўлади. Шунинг учун ерни совуқ тушгунча қадар шудгорлаш керак. Ер музлаганидан кейинги шудгор сифатли бўлмайди. Томорқа ҳам эрта чопиб қўйилса, зараркунанда ҳашаротлар қишининг со-вуғида қирилиб кетади.

Баҳорда бўрсилдоқ ерга қўчат эксақ ёки уруғ сепсақ, мўл ҳосил оламиз. Ғаллакорларнинг ҳам куз-да шудгорланган ерга тезроқ дон сегиб, уни ундириб олишида ҳикмат бор. Ота-боболаримизнинг: "Қузи донни ақраб-гача майсалат" деган гаплари беҳиз айтилмаган.

Совуқ кунлар тушгунча, буғдойини парваришлаб, қалин туллаб олишини таъминлаган ғаллакор келаси йил катта хирмон уяди. Вақтида сепилмай, тупроққа қоришиб, намиқиб турган дон ер музла-ши билан нобуд бўлади.

— Буважон, бу ой шунчалик хатарлими? — Бу ойни бекорга чаён дейишмаган, унинг ўзига яраша хатарли томонлари ҳўп, болам, — деди чол ишини давом эттираркан. — Ҳозир ҳаво оқибат кўрсатиши. Ибро-ҳимжоннинг манзили аниқ бўлган, уни кўргани бира-ликда бориш ҳусусида келишиб олиб, Тошкентга қайтди.

Олимжон, Абдуллажон ва Иброҳимжонлар ўртасидаги дўстлик риштаси нақадар мустаҳкам эканлиги орадан шунча йиллар ўтса-да, ҳамон мени ҳайратга солади.

Самод Йўлдош.

Эрта кесишнинг яна бир хосияти шуки, новдалар кўмилгунга қадар офтоб-да "пишиб" олади, бу келаси йил мўл ҳосил ола-миз, дегани.

— Шунақа экан, нега ҳовлимиздагини ҳам кўмаймиз.

— Ёз бўйи ҳовлимизни соя қилиб турган тоқларимиз пишиган, яъни ай-моқи. Уларга совуқ пи-санд эмас. Бу тоқ новда-лари эса ҳали нозик, кўммасак, совуқ уриб ке-тиши мумкин.

— Буважон, ундай бўлса шошилайлик, мен ҳам сизга қарашиб юборай.

— Сен кесилган новда-ларни бир четга тахла, — деди чол.

Буважонга ёрдами тега-ётганидан хурсанд нева-ра иш орасида уни са-волга тутишни қўймайди.

— Буважон, бу ойда кун совуқ бўлиши ёки ёмғир ёғишини қандай билса бўлади.

— Эрталаб уйғонган-нингда чумчуқлар қувониб чирқиллавериб, демак тушга яқин ҳаво исийди, — деди бобо. — Агар қора қарғалар дала ёки кенг майдонларга ёйлиб, бош кўтармай донлайверсалар, ёгин-гарчилик бўлади. Ола-қарға дарахт ёки бирор ерга қўниб, ҳадеб қағил-лайверса, ёгингарчилик яқинлигидан дарак бера-ди. Ҳадеганда дарахтлар барги тўкилавермаса, қиш қаттиқ келади. Барг-лар дарахт учидан тўкила бошласа, қиш мўътадил бўлади.

— Вой-бў, буважон, жуда кўп нарсаларни би-ласиз-а, — деди невараси ҳайратланиб.

— Сен ҳам мактабга борганинда, ўқишни ўр-ганиб, кўп китоб ўқисанг, кўп нарсани билиб оласан, бўталоғим, — деди чол не-варасининг қизикшиддан мамнун бўлиб.

НОЗИМО РАСУЛОВА.



Арпа-буғдой ош бўлур...

Гарвард университети мутахассислари томонидан бевақт ўлим хавфининг олдини олиш бўйича 14 хил таҳлиллар ўтказилди. Ҳар бир тадқиқот 6 йилдан 10 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олди.



Изланишда 780 минг кўнгилли иштирок этди. Тадқиқот қатнашчилари нон тайёрлашда энг кўп ишлатиладиган сули, гуруч ва арпа билан боғлиқ таҳлиллар ўтказишди. Бошқоқли маҳсулотларнинг 1 порцияси (1 порция 16 гр. қилиб белгиланган)ни доимий равишда истеъмол қилиш бевақт ўлим хавфини 7 фоизга, юрак билан боғлиқ касалликлар натижасида юзага келадиган ўлим ҳолатини 9 фоизга, хавфли ўсма касалликларини эса 5 фоизга камайтириши маълум бўлди. Шунингдек, бу маҳсулотларни кундалик овқат рационига киритиш артериал қон босими ва холестерин миқдорини пайсаятираркан.

Ажабтовур "наққош"

Рассом ва муҳандис Брюс Шапиро 20 йилдан буён кинетик санъат асарларини яратиш билан шуғулланиб келади.



Унинг сўнгги иши — қумда мураккаб нақшларни чизувчи "Sizif" стол-қурилмасидир. "Sizif"нинг технологияси мураккаб бўлиб, у магнит ёрдамида металл шарни кум устида ҳаракатлантиради ва ажойиб изларни қолдиради.

Санъат асарига нақшни смартфон, планшет ёки компьютер ёрдамида буюриш мумкин. "Sizif" исталган қурилмага Wi-Fi ёрдамида уланади. Интернет орқали гаройиб столчадаги нақшни юклаб олиб, алмаштиришингиз мумкин.

Ф. РАВШАНОВ тайёрлади.

Бўш пайтимда китоб жа-вонимни тартибга келтирай деб уринаётгандим, қўлим-га эски таквим илинди. Ва-рақласам, буюк аждодлари-мизнинг ҳикматлари босил-ган экан. Улардан бири диқ-қатимни тортди: "Ошна-оғайниси кўп кишининг дўсти бўлмайди".

Мутафаккирининг бу ўтқир ҳикмати мени ўйлантириб қўйди. Аслида ҳам бу фойи дунёда ошна-оғайни керак, аммо, чин дўстнинг йўриғи бўлак. Лирик шоир Эркин Воҳидовнинг назидида дўш-ман битта бўлса ҳам кўп, аммо, дўст юз минг бўлса ҳам оз. Зеро, дўст қадами етмаса, қошона ҳам вайро-на, дўст қадам қўйган ман-зиллар эса ҳамиша обод.

Чин дўстлик риштаси дил-дан, юракдан боғланишига Наманган сафарига гувоҳ бўлдим. Қўшим аскарликда бир наманганлик йигит билан дўстлашиб, хизматдан кейин ҳам борди-келдини давом эттиришди. Бир са-фар Иброҳимжон иш билан Тошкентга келганида, қўшимчида икки кун меҳ-мон бўлди. Қайтаётганда: "Энди навбат сенга, узоқ куттирма", деб қучоқлашиб ҳайрлашди.

Орадан бир йилча ўтиб, қўшим Наманган сафарига отланди. Меҳнат таътилида-лигимдан фойдаланиб, мени ва яна бир оғайниси-ни ҳамроҳ бўлишга кўндир-ди. Иброҳимжоннинг уйини қўлимиздаги бир парча қоғозга қараб, қийналмай топдик. Эшикни очган ёшгина жувон бегона эржа-ларни кўриб, ҳадиксиради

ва ўзимизни таништиргани-мизда, ҳаяжони янада ку-чайиб: "Марҳамат, ичкари киришлар", деди-ю, ҳовли тўридаги хонага шошилди. Ундан ўрта ёшлардаги аёл чиқиб, ичкарига таклиф қилди. Фотиҳадан сўнг яна ўзимизни танитдик ва таш-рифимиз босини тушун-

Одамийлик шеваси

ОҚИБАТ
МАНЗИЛИ

тирдик. Энди аёл ёш жувон-нинг ҳалиги ҳолатига туш-ди.

Кўнглим сезаяпти, хона-донда бир қор-ҳол юз бер-ган-у, уй эгалари бизни хи-жолатта қўймастик учун сир бой бермасликка уриниша-япти.

Хуллас, дастурхонга нон-чой қўйилгунча бир муддат вақт ўтиб, хонага икки йи-гит кириб келишди. Бир-икки пиёла чой ичилган, улар бизни қўча айланиб ке-лишга таклиф этишди. Улардан бирининг уйига борганимизда, ниҳоят, бор-гадан хабардор қилишди. Иброҳимжоннинг кўргилиги

бор экан, машинасида бир кишини туртиб юбориб, иши терговга тушибди. Суд уни икки йилга озодликдан маҳрум этиш, жазони энгил тартибли колонияда ўташ ҳақида ҳукм чиқарибди. Суд тугаганига эндигина бир ҳафта бўлиб, Иброҳимжон-нинг қайси қамоқхонага

— Наманганнинг Нанайи ҳақида эшитгандирсиз, — деди Олимжон. — Қир-адир-лари, ҳавоси, шарқироқ сой-лари танга роҳат. Қалин дарахтлар оғушидаги сой бўйида заводимизнинг оромгоҳи бор. Икки-уч кун дам оламиз. Иброҳимжон-нинг ўзи бўлганида, албат-та, шундай қиларди.

Хуллас, оромгоҳда икки кеча-кундуз мириқиб ҳордиқ чиқардик. Олимжон билан Абдуллажон дўстлари Ибро-ҳимжоннинг ўрнини бил-дирмай, бизга обдон меҳр-оқибат кўрсатишди. Ибро-ҳимжоннинг манзили аниқ бўлган, уни кўргани бира-ликда бориш ҳусусида келишиб олиб, Тошкентга қайтди.

Олимжон, Абдуллажон ва Иброҳимжонлар ўртасидаги дўстлик риштаси нақадар мустаҳкам эканлиги орадан шунча йиллар ўтса-да, ҳамон мени ҳайратга солади.

Самод Йўлдош.

Қишлоқдан мактублар

Илгарилари эрталаб шошил-май, ишга бемалол отланардик. Энди отни барвақт қамчилмасак бўлмай қолди. Йирик-йирик чор-рахаларда машиналар тирбанд бўлиб, ишга кеч қолиш хавфи қу-чайди. Бу нуқулалликдан бир оз асабийлашишимизни ҳисобга олмаганда, кўпроқ қувонамиз, гурурланамиз. Чунки, кенг, раво-н кўчаларимизни тўлдириб, тўрт қатордан саккиз қатор бўлиб қат-наётган автомобилларнинг деяр-ли ҳаммаси ўзимизда ишлаб чи-

қарилаяпти. Бу давлатимизнинг иқтисодий қудрати қучайиб, халқнинг турмуш фаровонлиги юксалиб бораётганидан далолат. Замоннинг зайлини қарангки, бир вақтлар одамлар шунчаки содда бўлганларидан дастлабки тракторни кўрганларидан "шай-тонарава" деб ҳадик ва кўрқув би-лан қарашган.

Хонобод қишлоғимизнинг би-ринчи тракторчиси Зокир ама-ки ўша илк тракторни тарилла-тиб қишлоққа кириб келганида, бутун аҳоли томошага чиққан экан. Эртасига қишлоқда "шай-тонарава"ни Зокир жиловлабди, деган гап тарқалган.

Шўқри, бугун ҳар биримиз-нинг хонадонимизда ҳеч бўлма-


ганда битта, айримларда эса, икки-учтадан автомашина бор. Ҳаммамнинг узоғи яқин, оғири ен-гил. Фермерларимизнинг акса-рияти ҳам ўз машина-трактор паркига эга.

Мухтасар айтганда, бир пайт-лар бутун қишлоқ аҳлини чўчи-тиб, "шайтонарава"ни жиловла-ган Зокир амакининг невараси



бугун энг сўнгги русумдаги "Кап-тива"да юрибди.

Мухлис БЕК.



Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Маълумият:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Қабулхона:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:
233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар:
233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими:
233-54-10.

Телефонлар:

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатта олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Ҳолмурод САЛИМОВ
Назоратчи мусаввиф
Кумуш ЭТАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ